

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАБАДЖАНОВ ОЙБЕК АБДУЖАББАРОВИЧ

**РОЗАЦЕА БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА КЛИНИК-
МИКРОБИОЛОГИК ПАРАЛЛЕЛЛАР ВА КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ
УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бабаджанов Ойбек Абдужаббарович

Розацеа билан оғриган беморларда клиник-микробиологик
параллеллар ва комплекс даволаш усулини такомиллаштириш 3

Бабаджанов Ойбек Абдужаббарович

Клинико-микробиологические параллели у больных розацеа
и усовершенствование комплексного метода лечения 21

Babadjanov Oybek Abdujabbarovich

Clinico-microbiological parallels in patients with rosacea and
improvement of the complex method of treatment 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАБАДЖАНОВ ОЙБЕК АБДУЖАББАРОВИЧ

**РОЗАЦЕА БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА КЛИНИК-
МИКРОБИОЛОГИК ПАРАЛЛЕЛЛАР ВА КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ
УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib64 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арифов Саидкасим Сайдазимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ваисов Адхамжон Шавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Порсоханова Деля Фозиловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: +99871-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: +99871 - 262-33-14).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори профессор

Э. А. Шамансурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт
фанлари доктори профессор

А. М. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё аҳолиси орасида умумий касалликларнинг ичида тери касалликлари энг асосий касалликлардан бири ҳисобланади. АҚШ аҳолисининг тахминан 10% дерматоз билан касаланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра розацеанинг аҳоли орасида тарқалганлиги 2-3% ташкил этади ва тери касалликлари ичида учраши бўйича эса еттинчи ўринни эгаллайди¹. Розацеа меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган инсонлар хос бўлиб, даволашда қатор қийинчиликлар туғдиради. Касаллик кўпроқ юз соҳасини зарарлаб, бу одамнинг асаб-руҳий тизимига салбий таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси ўз навбатида розацеа муаммосининг ижтимоий жиҳатдан ташхислаш, самарали даволаш ва унинг олдини олиш зарурлигини тақозо қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди. Касалликларни эрта тахислаш ва асоратларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш натижасида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди. Ўрта ва кекса ёшдаги аҳоли орасида тери касалликларини, жумладан, розацеани патогенезини аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар натижасида касалликнинг асоратлари 30-34%га камайтирилди, ўртача умр кўриш давомийлиги 67 ёшдан эркаклар орасида 73,5 ёшгача, аёлларда эса 75,8 ёшгача ошди². 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш»³ аҳоли орасида тери касалликларни ташхислаш, олдини олиш ва самарали даволаш тизimini такомиллаштириш муайян аҳамият касб этади.

Жаҳонда розацеа билан оғриган беморларда касалликни эрта ташхислаш, комплекс даволаш ва олдини олишнинг профилактик тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, бу борада, розацеа билан оғриган беморларда касалликнинг эндоген ва экзоген омиллари боғлиқлигини микробиологик хусусиятларини асослаш, аҳолининг саломатлиги сақлаш мақсадида скрининг тизимига жалб қилишни такомиллаштириш, касалликни ташхислашнинг оптимал тактикасини танлаш, касалликнинг

¹ Elewski B.E., Draelos Z., Dréno B. Rosacea – global diversity and optimized outcome: proposed international consensus from the Rosacea International Expert Group // J. Eur. Acad. Dermatol. Venereol. - 2011. – Vol. 25, N1 2 – P.188–200

² Ислом Каримов. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т: 2015.

³ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

хавфли омилларни олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш, касалликнинг олдини олиш ва даволашнинг асоратларини камайтиришга қаратилган алгоритмни ишлаб чиқиш, аҳоли орасида моддалар алмашинуви касалликларини келиб чиқиши ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоралари ҳақида»ги, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Розацеа бағишланган тадқиқотлар бугунги кунда қатор йўналишида бажарилган бўлиб, айрим вазиятларда бир-бирига қарама-қарши мунозараларни юзага келтирмоқда. Розацеанинг клиник намоён бўлиши ва ошқозон-ичак йўли патологияси билан ўзаро боғлиқликда бўлиши кўп тан олинган этиологик ва патогенетик нуқтаи назарлардан бири ҳисобланади (Глухенький Б. Т. ва бошқ., 1986; Курдина М. И. ва бошқ., 1998; Черняк А. Я., 2002; Woo Y. R. et al., 2016). Бир қатор тадқиқотларда розацеани клиник кечишининг оғирлиги ва хеликобактерли инфекция мавжудлиги ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланган. Ушбу инфекцияга қарши эрадикацион давони ўтказилиши касалликни клиник кечиши оғирлигининг камайишига олиб келган (Brutsaert T. D., et al., 2002). Бироқ маҳаллий давосиз хеликобактер инфекциясини уч қисмдан иборат эрадикацион терапияни ўтказиш розацеани тўлиқ клиник ремиссиясига олиб келмайди (Русак Ю. Э. ва бошқ., 2002; Синькевич Е. Р., 2008; Wolf R., 1996).

Аксарият олимларнинг ишларида розацеа пайдо бўлишида Demodex follicularumнинг ўрни ҳанузгача баҳс-мунозара қилинади ва уларнинг фикрича, беморлар терисида ушбу кананинг мавжудлиги унинг клиник кечишини оғирлаштиради ва ўтказилаётган давога тўсқинлик қилади (Самцов А. И., 2014; Diaz-Perez J. L., 1994; Forton F., et al., 2005; Forton F., 2011; Grosshans E., et al., 1990; Рахматов А.Б., Нуритдинова Г.А., 2002; Кубанова А. А., Махакова Ю. Б., 2015). Бироқ ҳозирги вақтгача мазкур кана розацеани этиологияси ва патогенезидаги ягона ва муҳим омил эканлигини ҳамда мазкур дерматознинг клиник кечишига жиддий таъсир кўрсатишини ишончли исботловчи илмий тадқиқотлар йўқ.

Розацеа касаллигига дучор бўлган беморлар тери микрофлорасини ўрганиш бўйича кўпгина илмий тадқиқотларда амалга оширилган бўлиб, ҳам патоген, ҳам нопатоген микроорганизмларни аниқлаш эса ушбу ишларда турлича фикрлар билдирилган (Гулямова Г. Ш., 2007; Соркина И. Л., 2014; Oge L.K. et al., 2016). Эҳтимол, бу охириги йилларда антибиотикларни асосланмаган ҳолда тавсия этиш ва уларни узоқ вақт давомида қабул қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин, бу микроорганизмларни қўлланилаётган антибиотик агентларга нисбатан резистентлигини ошишига ва тери микрофлорасини ўзгаришига олиб келади. Бу розацеанинг клиник-микробиологик белгиларини долзарблиги сақланиб қолаётганлигидан ва вақти-вақти билан микроорганизмларни антибиотикларга нисбатан сезувчанлигини ўрганиш кераклигидан дарак беради.

Касалликнинг шакли ва оғирлигига, қўлланилаётган давога турлича ёндошишдан келиб чиққан ҳолда, ушбу омилларнинг қиёсий хусусиятларига бағишланган деярли ҳеч қандай тадқиқотлар йўқ. Республикамизда розацеа муаммосининг юқорида тилга олинган аспекти бўйича тадқиқотлар ҳозирги кунгача ўтказилмаган. Ушбу ҳолат бу ишни ўтказишга асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Тери ва таносил касалликлар» мавзуси доирасида бажарилган. (№01980006703).

Тадқиқотнинг мақсади розацеа касаллигининг патогенези ва клиник кечишида хавфли омиллар ва микробиологик параметрларини ўрганиб, касалликнинг ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

розацеанинг ривожланишини юзага келтирувчи омилларни ва унинг клиник кечишини аниқлаш;

розацеанинг ривожланиши ва клиник кечишида *Helicobacter pylori* аҳамиятини изоҳлаш;

розацеанинг ривожланиши ва клиник кечишида *Demodex follicularum* аҳамиятини баҳолаш;

розацеа касаллиги билан оғриган беморларни шикастланиш ўчоғида микрофлораларнинг (микдор ва сифат жиҳатидан) ҳолати ва уларнинг антибиотикларга таъсирчанлик даражасини аниқлаш;

даволаш усулини такомиллаштириш ва ўтказиладиган даво жараёнида микробиологик кўрсаткичларнинг ўзгариш суратини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти республика ихтисослашган дерматология ва венерология илмий-амалий тадқиқот марказининг дерматомикология бўлими ва маслаҳат поликлиникасида (2013-2016) ҳисобда бўлган 101 розацеа касаллиги билан хасталанган беморда микробиологик тадқиқотлар ўтказилди. Назорат гуруҳига 30 нафар соғлом инсонлар киритилди.

Тадқиқотнинг предмети розацеа билан оғриган беморлар ва соғлом одамларда микробиологик (тангача, мадда), биокимёвий (нафас чиқаришидаги ҳаво) ва иммунологик (қон) текширишлар асосида микробиологик ва клиник кўрсаткичлар орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда клиник, клиник-лаборатор, биокимёвий, микробиологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

розацеа касаллиги билан оғриган беморларнинг ошқозон ичак тизимида *Helicobacter pylori* 66,3% учраганлиги аниқланиб, у ошқозон ва ичак касалликлари билан кўп ассоцирланганлиги исботланган;

розацеа касаллиги билан хасталанган беморлар терисининг юз соҳасида *Demodex folliculorum* (71,3%) ва *Staphylococcus aureus* (33,66%) юқори даражада қайд қилиниши ва тилла ранг стафилакоккларнинг эритромицинга юқори сузувчанлиги аниқланган;

розацеа касаллигининг клиник кечиши оғирлиги *Demodex folliculorum*, *Helicobacter pylori* ва *Staphylococcus aureus* биргаликда таъсир кўрсатилган шароитда касалликнинг оғир кечиши исботланган;

розацеа билан касалланган беморларда аниқланган хеликобактерияли инфекция ва тери микрофлорасини инобатга олиб, клиник ва микробиологик самарадорлиги юқори бўлган комплекс даволаш тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган натижалар асосида розацеа касаллигини *Helicobacter pylori*га қарши уч қисмдан иборат эрадикацион давосини ўтказилиши ва маҳаллий қўлланилиш учун таркибида эритромицин-рух тутган лосьондан ташкил топган мажмуи даволаш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, микробиологик, иммунологик ва статистик усуллар билан тасдиқланган ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, розацеанинг юзага келиши механизмларини билиш ва розацеага нисбатан эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш билан изоҳланади. Барча олинган натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига мос келади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Demodex folliculorum*, *Helicobacter pylori* ва *Staphylococcus aureus* инфекциялари ҳам алоҳида, ҳам уларнинг комбинациясида розацеанинг патогенези ва клиник кечишида иштирок этиши, ушбу инфекцияларни таъсир қилиш даражасининг аниқланганлиги назарий тасаввур даражасини чуқурлашгани билан ифодаланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти такомиллаштирилган даволаш усулини микробли омилларни тез элиминация қилиш имконини беришда

ва унинг терапевтик ва микробиологик самарадорлигини оширишда ҳамда розацеа билан оғриган беморларда *Helicobacter pylori* юқтирганлигини аниқлаш учун ноинвазив ҳисобланган ва инфекцияни тез аниқлаш имконини берадиган, тиббий ходимлар томонидан эса муолажа тадбирини бажариш техник жиҳатдан оддий бўлган уреазли нафас олиш синови (тести)дан кенг фойдаланиш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Розацеа билан оғриган беморларда клиник-микробиологик параллеллар ва комплекс даволаш усулини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

розацеанинг патогенетик даволаш тизимини тадбиқ қилиш мақсадида «Розовые угри» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 13 сентябрдаги 8Н-3/18-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма розацеа билан хасталанган беморларни даволаш мақсадида ишлаб чиқилган усул анъанавий даволаш усулига нисбатан ижобий клиник самарани 62% дан 84,3%гача оширган;

розацеанинг такомиллаштирилган даволаш усули соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси, Тошкент шаҳар тери-таносил касалликлари диспансери, Тошкент вилояти тери-таносил касалликлари диспансери, Республика тери-таносил касалликлари шифохонасида жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 13 сентябрдаги 8Н-3/18-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши розацеа билан оғриган беморларда танланган клиник-микробиологик параллеллар ва комплекс даволаш усули касалликни даволашда фойдаланилган анъанавий даволаш усулга нисбатан 1,4 мартага яхшиланганлиги, *Helicobacter pylori* инфекциясини 100%, *Demodex folliculorum* канасини 97,3% беморларда бартараф этилганлиги ва тери микрофлорасини меъёрий даражасини таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлини. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробация натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Розацеанинг этиологияси, патогенези ва даволаш тўғрисидаги замонавий тушунчалар»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида розацеа касаллиги муаммосининг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи берилган. Розацеанинг этиологияси ва патогенези, триггер факторлари ва касалликнинг ривожланиш механизми тўғрисида тўлиқ илмий-амалий маълумотлар таҳлил қилинган ҳолда келтирилган. Тавсия этилаётган даволаш усуллари, уларнинг натижалари, афзалликлари ва камчиликлари баён этилган.

Диссертациянинг **«Розацеа билан хасталанган беморлар бўйича материал ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифини, розацеа касаллигининг клиник кечишини оғирлик даражаси аниқланишини, розацеа касаллиги билан оғриган беморларда терапиянинг самарадорлик мезонларини ва лаборатория тадқиқот усулларини ўз ичига олган тадқиқот материаллари келтирилган.

Розацеа касаллигига эга 25 ёшдан 73 ёшгача бўлган 101 нафар бемор кузатув остида бўлди. Улардан 24 нафари (23,8%) – эркак ва 77 нафари (76,2%) – аёл. Касалликнинг давом этиш муддати турлича бўлган ва 6 ҳафтадан 16 йилгача даврни ташкил қилган. Розацеа билан оғриган беморларнинг кўпчилигида (65.4%) касалликнинг давом этиш муддати 1 йилдан 5 йилгача давом этган.

Plewig G., Jansen T., Kligman A. (2000) томонидан таклиф қилинган клиник таснифга мувофиқ, розацеанинг эритематоз-телеангиэктатик, папуло-пустулез ва пустулез-тугунсимон шакллари ва фиматоз ва стероидли вариантларини клиник намоён бўлиши мезонлари тавсифланган.

Касаллигининг клиник кечиши оғирлигини баҳолаш учун В. П. Адаскевич (2004) томонидан таклиф қилинган розацеани ташхислаш баҳолаш шкаласидан фойдаланилди. Розацеа касаллигига эга беморларда терапия самарадорлигини баҳолаш мезонлари келтирилган.

Розацеа билан оғриган беморларда хеликобактер инфекцияси қон зардобиди *СagA Helicobacter pylori* антигенига қарши ишлаб чиқилган М, А ва G классига мансуб иммуноглобулинларни иммунофермент таҳлил усули (ИФА) билан аниқланди. Розацеали беморларда хеликобактер

борлигини ва уни эрадикациясини ноинвазив нафас олиш «Хели» тести (АМА, Санкт-Петербург) ёрдамида аниқланди.

Касалликнинг шикастланиш ўчоғларидаги *Demodex folliculorum* микробиологик тадқиқот усули ёрдамида аниқланди. Розацеа билан оғриган беморларнинг шикастланган ўчоғидаги микроорганизмларни морфобиологик хоссалари, уларнинг антибиотикларга нисбатан таъсирчанлигини ўрганиш умумэтироф қилинган бактериоскопик ва бактериологик усуллар билан ўрганилди (Мухамедов И. М. ва бошқ., 2002).

Ички органларнинг ультратовушли тадқиқоти «TOSHIBA» фирмасининг реал вақт режимида ишлайдиган 3 МГц частотали линия датчигига эга «САЛ 38 АС» ускунаси ёрдамида ўтказилди.

Олинган маълумотлар ўртача арифметик (M), ўртача квадратли оғиш (σ), стандарт хатоликлар (m), нисбий ўлчамлар (тез-тез учраши %) ҳисоблаб чиқарилишини ўз ичига олган статистик таҳлилнинг амалий дастурлари пакетидан фойдаланилган ҳолда статистик ишланди. $P < 0,05$ аниқлик даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Розацеа касаллиги билан ҳасталанган беморларнинг клиник тавсифи ва унинг кечишида микробли омилларнинг ўрни**» деб номланган учинчи бобида розацеа билан оғриган 101 нафар беморда касаллик ривожланишига ёрдам берадиган экзо- ва эндоген омиллар ўрганилган, касаллик босқичига қараб, клиник намоён бўлиши бўйича тавсифлар берилган, ички органлар томонидан бирга келган ёндош касалликлар ва олдинги олинган даво турлари қайд этилган, розацеанинг клиник кечишида *Helicobacter pylori*, *Demodex folliculorum* ва терининг микробли пейзажларининг аҳамияти, юқорида кўрсатилган уч микробли омиллар бирга келганида касалликнинг клиник кўриниши ва микроорганизмларни антибиотикларга сезувчанлиги ўрганилган.

Жумладан, беморларнинг 35 нафари (34,6%) да инсоляция, ҳарорат ўзгаришлари, юқори ҳарорат каби экзоген факторларнинг салбий таъсири қайд этилган. Розацеани бошланиши ёки кучайиши беморларнинг 15 нафари (14,9%) стрессли вазиятлар, 17 нафари (16,8%) – климакс, 11 нафари (10,9%) – алиментар омил, 10 нафари (9,9%) – пардоз-андоз (косметика) воситаларидан фойдаланиш, 6 нафари (5,9%) – шамоллаш билан боғлиқлиги аниқланган, 7 нафар (6,9%) бемор дерматоз бошланиши ёки кучайиши сабабини кўрсата олмаган. 53 нафар (52,5%) бемор касалликнинг мавсумийлиги, яъни баҳор-ёз кунларида теридаги жараённинг ёмонлашишини қайд этган.

101 нафар бемордан 66 нафари (65,3%) фақат маҳаллий терапия олган, 20 нафари (18,8%) эса – ҳам маҳаллий, ҳам систем терапия (антибиотиклар, витаминлар) қабул қилган. 15 нафар (14,8%) бемор илгари олинган терапияни кўрсата олмаган. Маҳаллий дори-дармон воситаларидан маҳаллий глюкокортикостероидлар – 28 нафар (27,7%) бемор, метронидазол креми – 18 нафар (17,8%) бемор, маҳаллий антибиотиклар – 10 нафар (9,9%) бемор, ихтиол малҳами (мази) – 7 нафар

бемор, замбуруғға қарши дори-дармон воситалари – 3 (3,0%) нафар бемор (6,9%) томонидан қабул қилинган. 10 нафар (9,9%) бемор маҳаллий ва систем терапия билан бир вақтнинг ўзида физиотерапевтик муолажаларни (дарсонвализация, ультратовушли терапия, паст интенсив гелий-неонли лазер) қабул қилган.

Ёндош соҳа мутахассисларининг маслаҳати натижасида куйидаги йўлдош касалликлар аниқланган: ошқозон–ичак йўли касалликлари 72 беморда (71,3) ташхисланди, астено–невротик ҳолат–9 (8,9%) та, гинекологик касалликлар - 3 (3%) та, темир моддаси анемияси– 3 (3%) та, ичак лямблизи -2 (1,98%) та беморда. Тери касалликлари 10 (9,9%) та беморда аниқланган.

Розацеа касаллигига эга 101 нафар бемордан 22 (21,8%) нафари– эритематоз-телеангиэктатик (биринчи босқич), 55 (54,5%) нафари– папулопустулезли (иккинчи босқич) ва 22 (21,8%) нафари–пустулез–тугунли (учинчи босқич) босқичига эга бўлган. Бундан ташқари, 1(1,0%) нафар беморда фиматоз ҳолати (ринофима, гнатофима) ва 1(1,0%) нафар беморда – стероидли розацеа ташхиси қўйилган (1-жадвал).

1-жадвал

Розацеанинг клиник белгиларига қараб беморларни гуруҳларга ажратиш

Розацеанинг клиник босқичлари	аёллар		эркаклар		жами	
	абс	%	абс	%	абс	%
биринчи босқич	17	22,1	5	20,8	22	21,8
иккинчи босқич	44	57,1	11	45,8	55	54,5
Учинчи босқич	14	18,2	8	33,3	22	21,8
<i>Шунингдек, розацеанинг клиник турлари:</i>						
фиматозли	1	1,3	0	0	1	1,0
стероидли	1	1,3	0	0	1	1,0
Жами	77	76,2	24	23,8	101	100,0

Касаллик клиник кечишининг оғирлик даражаси розацеа диагностикасини баҳолаш шкаласи (ўлчови) бўйича ҳисобланди ва бунда биринчи босқич беморлари учун кўрсаткич $4,8 \pm 1,1$ баллни, иккинчи гуруҳ беморлари учун $10,5 \pm 1,5$ ни ва учинчи гуруҳ беморлари учун - $12 \pm 2,2$ ни ташкил этди.

Касалликнинг клиник кечишига қараб, розацеа касаллиги билан оғриган беморлар беморлар ошқозонида жойлашган *Helicobacter pylori* (*H. pylori*), ўчоқлардаги *Demodex folliculorum* ва терисининг микрофлоралари, ҳамда уларнинг антибиотикларга сезувчанлиги таҳлил қилинган.

Иммунферментли таҳлил ёрдамида розацеа касаллигининг турли босқичларига эга 30 нафар беморда хеликобактерияли инфекция мавжудлиги аниқланди. Назорат остига олинган беморларнинг 10 (33,3%) нафарда розацеа касаллигининг I босқичи, 16 (53,3%) нафарда – II босқичи ва 4 (13,4%) нафарда – III босқичи аниқланган (жадвал 2).

2-жадвал

Розацеа билан хасталанган беморлар қон зардобида *Helicobacter pylori* антителасини учраш кўрсаткичлари

Розацеа босқичи	жами текширилганлар	ИФА натижалари			
		H. pylori мусбат		H. pylori манфий	
		абс.	в %	абс.	в %
Соғлом шахслар	15	2	13,3±8,7	13	86,7±8,8
I босқич	10	5	50,0±15,8	5	50,0±15,8
II босқич	16	11	68,7±11,6	5	31,3±11,6
III босқич	4	4	100,0	0	0
Жами	30	20	66,7±8,6	10	33,3±8,6

Тадқиқот натижалари 15 нафар соғлом шахсларнинг 2 нафари (13,3%) қон зардобида *Helicobacter pylori*га қарши антитаналар мавжудлигини кўрсатди. Айти пайтда, розацеа касаллигига эга 30 нафар беморнинг 66,7%да *Helicobacter pylori*га қарши антитаналар мавжудлиги аниқланган. Беморларнинг қолган 10 нафари (33,3%)да натижалар салбий бўлган. Ушбу маълумотлар касаллик босқичларига қараб таҳлил қилинганда, розацеа касаллигининг эритематоз-телеангиэктотик босқичидаги беморларнинг 50,0%да, айти пайтда, касалликнинг папуло-пустулёз босқичига эга беморларнинг 68,7%да ва пустулёз-тугунли босқичига эга беморларнинг 100,0%да мазкур инфекцияга қарши антитаначалар аниқланган.

Розацеа касаллиги патогенезида *Helicobacter pylori* инфекциясининг ўрнини ўрганиш учун уреаз нафас олиш синови (тести) ёрдамида 2 ҳафтадан 15 йилгача давомийликдаги розацеа касаллигига эга 101 нафар беморда ушбу инфекцияни мавжудлиги аниқланди.

Уреаз нафас олиш синови (тести) ёрдамида 101 беморнинг 67 (66,3%) тасида *Helicobacter pylori* инфекцияси топилган. Касалликнинг босқичларига қараб таҳлил қилинганда эритематоз-телеангиэктотик (биринчи босқич) босқич билан оғриган 22 нафар беморнинг 12 (54,5%) тасида, иккинчи босқичдаги 55 нафар беморнинг 38 нафари (69,1%) да ва учинчи босқичдаги 22 беморнинг 17 нафари (77,3%)да ушбу инфекция аниқланди.

Фиматоз ва стероидли розацеали беморларда хеликобактер инфекцияси топилмади. Олинган маълумотлар розацеа касаллигининг оғир шаклларида кўпинча *Helicobacter pylori* аниқланишидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, *H. pylori* инфекциясини ИФА усули ва уреаз нафас олиш синови (тести) ёрдамида олинган натижалар таҳминан яқин рақамларни кўрсатди (67,7% ва 66,3%). Иккала усулда ҳам касаллик оғирлашиб боргани сари хеликобактерни аниқланиш даражаси ҳам ошиб борган. Уреаз нафас олиш тести *H. pylori*ни аниқлашда баъзи афзалликларга (оддий ва ноинвазив) эга бўлгани сабабли кейинги клиник-лаборатор текширишларда ушбу усулдан фойдаланди.

Розацеа клиник шаклларининг ошқозон-ичак йўли касалликлари билан ўзаро боғлиқликлари ўрганилганда шу тасдиқландики, розацеа касаллигининг биринчи (эритематоз-телеангиэктатик) босқичида ошқозон-ичак йўли касалликлари 22 нафар беморларнинг 13 нафари (12,9%)да аниқланган, айти пайтда беморларнинг 9 нафари (8,9%)да мазкур патология мавжуд бўлмаган. Розацеа касаллигининг иккинчи босқичида ошқозон-ичак йўли касалликларига эга беморлар сони 40 (39,6%) нафарни, ошқозон-ичак йўли касалликларига эга бўлмаган беморлар сони 15 нафар (14,85%)ни ташкил қилган. Худди шундай манзара розацеа касаллигининг учинчи босқичида қайд этилган бўлиб, бунда ошқозон-ичак йўли касалликларига эга беморлар сони (18 та) ушбу касалликларга эга бўлмаганлар сонидан (4 та) 4 марта юқори бўлган. Ошқозон-ичак йўли касалликларининг нозологик шакллари таҳлил қилинганда шу аниқланганки, розацеа касаллигида кўпинча гастродуоденит (31 бемор - 30,7%) ва сиртқи гастрит (18 бемор - 17,8%) учраган.

Мавжуд маълумотларга кўра, ошқозон-ичак йўли касалликлари ва розацеа ривожланишида *H. pylori* аҳамияти шак-шубҳасиз. Хеликобактериоз билан бирга ва хеликобактериозсиз розацеа касаллигига эга беморларда ошқозон-ичак йўли касалликлари учратилиш даражаси таҳлил қилинганда шу аниқланганки, хеликобактериозга эга беморларнинг 54 нафари (80,6%)да ошқозон-ичак йўлининг турли касалликлари қайд этилган. Айти пайтда, мазкур тизим патологияси хеликобактериозсиз 34 нафар беморнинг фақатгина 18 нафари (52,94%)да аниқланган.

Шундай қилиб, розацеа билан оғриган беморларнинг кўпчилигида (66,3%), айтиқса касаллик оғир кечганда *Helicobacter pylori* аниқланади ва ошқозон-ичак йўли касалликлари (71,3%) тез-тез қайд этилади. *H. pylori* бўлганда ошқозон-ичак йўли касалликларини учраши кўпаяди (80,6%). Олинган натижалардан кўриниб турибдики, ушбу касаллик билан оғриган беморларда гастроэнтерологик патологиялар ва хеликобактер инфекциясини синчиклаб аниқлаш керак.

Терининг шикастланган ўчоқларидаги қиринди ва тошмалари микроскопик текширилганда розацеа билан оғриган 101 беморнинг 72 нафари (71,3%)да *Demodex folliculorum* аниқланган.

Касалликнинг клиник босқичлари бўйича таҳлил қилинганда касалликнинг иккинчи ва учинчи босқичларида, яъни касаллининг оғир

шаклларида *Demodex folliculorum* кўп учраган (мос равишда 35,6% ва 18,8%). Лекин стероидли ва фиматоз розацеа билан оғриган битта беморда ушбу паразит аниқланмаган.

Шундай қилиб, розацеа билан оғриган беморларнинг шикастланган ўчоқларидан аксарият ҳолларда (71,3%) *Demodex folliculorum* аниқланади ва ушбу инфекция, касалликнинг бошқа босқичларига нисбатан, кўпинча (35,6%) иккинчи босқичда учрайди. Ушбу паразит, эҳтимол, розацеа касаллиги пайдо бўлишида патогенетик ахамиятга эга бўлиб, шикастланган ўчоқлардаги яллиғланиш жараёни каналарни яшаши ва кўпайиши учун қулай шароит яратиши ва кейинчалик улар яллиғланишни янада кучайтириши мумкин.

Микробли омиллар бирга келган ҳолда розацеанинг клиник кечишини ўрганиш учун *Demodex folliculorum* ва *Helicobacter pylori* бирга қўшилиб келганлиги ва келмаганлиги бўйича беморлар бир неча гуруҳларга ажратилди.

Бунда 56 нафар (55,4%) беморда ҳам *Demodex folliculorum* ҳам *Helicobacter pylori* аниқланган, 24 нафар (23,8%) беморда – *Demodex folliculorum* ҳам, *Helicobacter pylori* ҳам аниқланмаган, 11 нафар (10,9%) беморда – *H. pylori* аниқланган, *D. folliculorum* эса топилмаган ва 10 нафар (9,9%) беморда – *H. pylori* топилмаган, *D. folliculorum* эса топилган.

Helicobacter pylori ва *Demodex folliculorum* инфекцияларининг бирга учраши кўпинча касалликнинг иккинчи босқичида, яъни 55 бемордан 21 нафарида (38,1%)да аниқланган.

Шундай қилиб, клиник-лаборатория тадқиқотлари шуни кўрсатдики, касалликнинг папулопустулез босқичида кўпинча ҳам *Helicobacter pylori*, ҳам *Demodex folliculorum* аниқланади, бу розацеа касаллиги билан оғриган беморларга даволаш тактикасини режалаштиришда муҳим ахамиятга эга.

Бевосита шикастланиш ўчоқларидан олинган тери микрофлораси ва уни экиб ундириш йўли билан ўрганилганда ҳам шартли патоген, ҳам патоген микроорганизмлар аниқланган.

Розацеа касаллигига эга 101 нафар беморнинг 34 нафари (33,66%)да шикастланган ўчоқларидан *Staphylococcus aureus* топилган. Беморларнинг 27 нафари (26,7%)да – *Staphylococcus epidermidis*, 15 нафари (14,85%)да – *Staphylococcus saprophyticus*, 13 нафари (12,87%)да – *Streptococcus pyogenes*, 4 нафари (3,96%)да – *E. coli*, 3 нафари (2,97%)да – *S. Albicanus*, 3 нафари (2,97%)да – *Pseudomonas aeruginosa*, 2 нафари (1,98%)да – *P. ovalis* қайд этилган. Кўнгилли 30 нафар соғлом шахслар юз терисидаги микробларни экиш ундириш тадқиқоти шуни кўрсатдики, улардан биргина (3,3%) беморда *Staphylococcus aureus* аниқланган. Соғлом шахсларнинг 17 нафари (56,7%)да – *Staphylococcus epidermidis*, 10 нафари (30,3%)да – *Staphylococcus saprophyticus* ва 2 нафари (6,7%)да – *Streptococcus pyogenes* аниқланган.

Demodex folliculorum инфекциясига ижобий тестли розацеа касаллигига эга беморлар орасида тилларанг стафилококк 28 нафар (27,7%) беморда қайд этилган. *D. folliculorum* топилмаган беморларнинг

6 нафари (5,94%)да шикастланиш ўчоғида *Staphylococcus aureus* аниқланган. Стафилакокк инфекцияси ва *D. folliculorum*ларни бирга кулиши иккинчи (11,88%) ва учинчи (13,86%) босқичларда аниқланган.

Терининг микробли манзараси ва касалликнинг клиник босқичлари орасидаги боғлиқлик таҳлил қилинганда, *Demodex folliculorum* аниқланган биринчи босқичдаги 16 та беморнинг фақат биттасида *Staphylococcus aureus* ўсиб ундирилган. Ваҳоланки, *Demodex folliculorum* топилган иккинчи босқичдаги 22 та беморнинг 12 (33,3%) таси ва *Demodex folliculorum* аниқланган учинчи босқичдаги 19 та беморнинг 14 (73,7%) тасида *Staphylococcus aureus* ўсиб ундирилган. Бундан ташқари, фиматоз розацеали беморда ҳам тилларанг стафилококклар аниқланган. *Demodex folliculorum* манфий бўлган беморларда патоген микроорганизмларни топилиши, назорат гуруҳи каби, жуда кам бўлган.

Шундай қилиб, розацеа касаллиги билан оғриган беморларнинг шикастланган ўчоқларидан 33,66% ҳолатда *Staphylococcus aureus* топилган ва у кўпинча *Demodex folliculorum* мавжуд бўлган шароитда аниқланган (27,7%) ва инфекцияларни биргаликда келиши касалликнинг иккинчи ва учинчи босқичига босқичларида кўпроқ аниқланган.

Розацеа билан оғриган 72 та беморлар ўчоғидан топилган микроорганизмларни турли антибиотикларга (азитромицин, доксициклин, тетрациклин, эритромицин, цефазолин, рокситромицин, гентамицин и офлоксацин) сезувчанлиги, махсус экиб ундириш йўли билан *Staphylococcus aureus*ни 28 та, *St.epidermidis*ни 20 та, *St.saprofyticus*ни 6 та, *Str.pyogens*ни 10 та, *E.colini* 2 та ва *Ps.aerugenosani* 3 та штамларида ўрганилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, *St.aureus* эритромицин, цефазолин ва тетрациклинга жуда таъсирчан бўлган. Етиштирилган 28 та *St.aureus*дан эритромицинга 20 таси (71,4%) – юқори таъсирчан, 7 таси (25%) – таъсирчан ва 1 таси (3,6%) – чидамли. Цефазолинга таъсирчанлик 53,6%ни ва тетрациклинга – 42,8%ни ташкил қилган. *St.epidermidis* 20 та штаммидан 17 таси (85%) эритромицинга, 12 таси (60%) – цефазолинга ва 10 таси (50%) – тетрациклинга юқори таъсирчан. *St. saprofyticus* 6 та штаммидан 5 таси (83,3%) ва *Str. pyogens* 10 штаммидан 6 таси (60%) эритромицинга юқори таъсирчан. Сўнги 2 та штаммнинг цефазолинга, тетрациклинга ва азитромицинга таъсирчанлиги 20%дан 40%гача атрофида бўлган ҳамда рокситромицин ва гентамицинга чидамли бўлган.

Шундай қилиб, розацеа касаллигининг шикастланган ўчоқларида кўпинча тилларанг стафилококк (33,66%) аниқланади ва у аксарият ҳолларда эритромицинга юқори сезувчан (71,4%) бўлган. Учта патогенетик омиллар (*Helicobacter pylori*, *Demodex folliculorum* ва *St.aureus*) бирлашган шароитда, жумладан дерматозни иккинчи ва учинчи босқичларида, касалликнинг оғир кечиши қайд этилади.

Диссертациянинг «Розацеа билан оғриган беморларни комплекс даволаш усули самарадорлигини баҳолаш ва ўтказиладиган терапия жараёнида кимёвий ва микробиологик ўзгаришлар динамикаси» деб

номланган тўртинчи бобида розацеа касаллиги билан оғриган беморларни даволаш усулининг самарадорлиги баҳоланган. Бунда розацеа касаллигига эга 101 нафар беморда *Helicobacter pylori* қарши уч қисмдан иборат эрадикацион терапия ва *Demodex folliculorum*ни бартараф қилиш, терининг микробли манзарасини меъёрлаштириш самарадорлиги ўрганилган.

Беморлар ёши, жинси, дерматоз босқичлари ва оғирлик даражаси бўйича бир хил иккита гуруҳга ажратилди.

Биринчи гуруҳ (солиштириш гуруҳи) 50 нафар бемордан ташкил топган бўлиб, улар анъанавий даवони қабул қилганлар ва бу даво Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган дерматовенерологияда текшириш ва даволаш стандартлари асосида ўтказилган.

Иккинчи гуруҳга 51 нафар бемор олиниб, улар анъанавий терапия шароитида уч қисмдан иборат эрадикацион терапия қабул қилдилар. Хусусан, 2-гуруҳ беморлари метронидазол (трихопол) қабул қилмади. Уч қисмдан иборат эрадикацион терапиянинг мавжуд схемаларидан IV Маастрихт битими томонидан тасдиқланган протон насоси таъсирини босувчи восита + кларитромицин + амоксициллиндан иборат терапия схемаси танлаб олинди. Протон насосини ингибитори сифатида омепразол 1 таблеткадан (20 мг), кунига 2 маҳал, овқатланишдан 40 дақиқа олдин, тавсия этилди., кларитромицин 500 мг дан кунига 2 маҳал, амоксициллин 1,0 г дан кунига 2 маҳал буюрилди. Уч қисмдан иборат эрадикацион даво IV Маастрихт битимига мувофиқ 10 кун давомида олиб борилди. Маҳаллий даво сифатида беморларга метронидазол ва эритромицин-цинк бирикмаси, лосьон шаклида, кунига 2 маҳал тавсия этилди. Даво натижалари шуни кўрсатдики, тўлиқ клиник соғайиш ва сезиларли соғайиш кўринишдаги даволашнинг ижобий натижалари анъанавий муолажа олган 31 (62%) нафар беморда, айти пайтда иккинчи гуруҳда эса – 43 нафар (84,3%) беморда кузатилди.

Иккинчи гуруҳда даволашдан кейин клиник соғайиш 51 нафар беморнинг 23 (45,1%) нафарида, сезиларли соғайиш – 20 (39,2%) нафарда ва яхшиланиш – 8 (15,7%) нафарда қайд этилди. биринчи гуруҳ (солиштириш гуруҳи)да тўлиқ клиник соғайиш 50 нафар беморнинг 11 (22,0%) нафарда, сезиларли соғайиш – 20 (40,0%) нафарда ва 19 (38,0%) нафарда яхшиланиш кузатилди (3-жадвал). Бунда беморларнинг ҳар икки гуруҳида даволаш самарадорлигини йўқлиги ёки ўтказилаётган терапиядан тегидаги патологик жараённи ёмонлашиши қайд этилмади.

Розацеани ташхислаш баҳолаш шкаласидан даволаш ўтказилган биринчи гуруҳда даводан олдинги кўрсатишга ($8,8 \pm 0,5$) нисбатан икки баробар пасайди ва $4,6 \pm 0,26$ баллни ташкил этди, айти пайтда ушбу шкала кўрсаткичи иккинчи гуруҳда $2,5 \pm 0,21$ баллга тенг бўлиб даводан олдинги кўрсаткичдан ($9,3 \pm 0,45$) 3,7 баробар пасайган.

Клиник соғайиш билан бирга лаборатор кўрсаткичларнинг яхшиланиши кузатилди. Уреаз нафас олиш синови даво олиб бўлган иккала гуруҳ беморларда 3, 6, 12 ҳафтадан сўнг ўтказилди. 12 ҳафтадан кейин анъанавий даво олган беморлар гуруҳида 21 беморнинг 11 (52,4%)

тасида *Helicobacter pylori* топилмаган, ҳолбуки уч қисмдан иборат эрадикацион даво олган иккинчи гуруҳнинг барча 33 нафар (100%) беморида ушбу инфекция топилмаган.

3-жадвал

Даво қўлланилгандан кейин розацеа билан хасталанган беморларнинг натижалари

Даво натижалари	1 гуруҳ		2 гуруҳ		Жами	
	абс	%	абс	%	абс	%
клиник соғайиш	11	22,0±5,8	23	45,1±7,0*	34	33,7
сезиларли даражада яхши бўлиш	20	40,0±6,9	20	39,2±6,8	40	39,6
яхши	19	38,0±6,9	8	15,7±5,1**	27	21,8
Жами	50	100	51	100	101	100

Изоҳ: * 1-гуруҳга нисбатан нисбий ишончли (* - P<0,05, ** - P<0,01)

Розацеа касаллиги билан оғриган беморларнинг шикастланган ўчоғида *Demodex folliculorum* инфекциясини ўрганиш шуни тасдиқладики, анъанавий муолажа олган беморларнинг биринчи гуруҳида жами 35 нафар бемордан 29 нафари (82,9%)да, айти пайтда эса иккинчи гуруҳда – 37 нафар бемордан 36 нафари (97,3%)да мазкур кана йўқолди.

Терапия усуллари ўтказилгандан сўнг розацеа касаллиги бўлган беморлар териси микрофлораси ҳолатини ўрганиш шуни тасдиқладики, иккинчи гуруҳдаги барча 51 нафар (100%) беморда *St.aureus* йўқолган, биринчи гуруҳда эса 50 нафар бемордан 4 нафарида (8%) ушбу инфекция топилган.

Шундай қилиб, ўтказилган клиник тадқиқот асосида шуни тасдиқлаш мумкинки, розацеа касаллиги билан оғриган беморларни даволаш бўйича уч қисмдан иборат эрадикацион ва маҳаллий эритромицин-рух бирикмасидан иборат бўлган такомиллаштирилган даво клиник самарадорлиги, *Helicobacter pylori* ва *Demodex folliculorum* эрадикация қилиш даражаси ҳамда терининг микробли манзара меъёрлаштириши бўйича анъанавий даволаш усулидан афзалдир.

ХУЛОСА

«Розацеа билан оғриган болаларда клиник-микробиологик параллеллар ва комплекс даволаш усулини такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Розацеа билан оғриган беморлар орасида аёллар (83,2%), фаол меҳнат қилиш қобилиятига эга шахслар (79,2%) кўпчиликти ташкил

қилади, қуёш инсоляцияси, ҳарорат ўзгаришлари тез-тез касаллик кўзғатувчи омиллар ҳисобланади (34,6%).

2. Розацеа касаллиги билан оғриган беморлар орасида *Helicobacter pylori* тез-тез қайд этилади (66,3%) ва хеликобактерия инфекцияси билан боғлиқ ошқозон-ичак йўли касалликлари кўп учраши (87,1%) аниқланади. Зарарланган ўчоқларидан кўпинча *Demodex folliculorum* аниқланади (71,3%), патоген микроорганизмлар, жумладан, *Staphylococcus aureus* экиб ундирилади (36,66%).

3. Беморларда патоген микроорганизмлар, жумладан *St.aureus* эритромицинга (71,4%) юкори сезувчанлиги қайд этилади.

4. Розацеа касаллигининг клиник кечиши патогенетик омиллар бирлашишига боғлиқ–беморларда *Helicobacter pylori* ва *Demodex folliculorum* ва патоген микроорганизмлар (*Staphylococcus aureus*) бир вақтда аниқланганда, жумладан, дерматознинг иккинчи ва учинчи босқичларида, касалликнинг оғир шакллари тез-тез пайдо бўлиши, ушбу омиллар топилмаганга нисбатан қайд этилади.

5. Розацеа касаллигида уч қисмдан иборат эрадикацияли даво ва маҳаллий эритромицин-цинк бирлашмаси билан бирга такомиллаштирилган даволаш усулини клиник самарадорлиги, *Helicobacter pylori* ва *Demodex folliculorum* инфекцияларини эрадикациялаш даражаси ва терини микробли манзарасини меъёрлаштирилиши бўйича анъанавий даволаш усулидан афзаллиги кўрсатилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

БАБАДЖАНОВ ОЙБЕК АБДУЖАББАРОВИЧ

**КЛИНИКО - МИКРОБИОЛОГИЧЕСКИЕ ПАРАЛЛЕЛИ
У БОЛЬНЫХ РОЗАЦЕА И УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ
КОМПЛЕКСНОГО МЕТОДА ЛЕЧЕНИЯ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.1.PhD/Tib64

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) размещен на веб-странице по адресу www.tashpmi.uz. и в Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” по адресу: www.ziyo.net

Научный руководитель:	Арифов Саидкасим Сайдазимович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Ваисов Адхамжон Шавкатович доктор медицинских наук, профессор Парсаханова Деля Фозиловна доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Ташкентская медицинская Академия

Защита состоится «___» _____ 2017 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте (Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

С докторской диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № ____). (Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.
(протокол рассылки № ____ от _____ 2017 года).

А. В. Алимов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

Э. А. Шамансурова
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

А. М. Шарипов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Кожные заболевания занимают важное место в структуре заболеваний населения во всем мире. Так, в США дерматозами страдают 10% населения. Согласно данным ВОЗ розацеа составляет 2-3% всех заболеваний кожи, занимая 7 место в группе этих болезней¹. Розацеа наиболее характерна для лиц молодого трудоспособного возраста, трудно поддается лечению. Для заболевания характерно поражение области лица, что негативно отражается на нервно-психические состояния больных. Все это свидетельствует о высокой социальной значимости диагностики, эффективности лечения и профилактики розацеа.

В годы независимости в нашей стране сфера здравоохранения коренным образом обновилась. На сегодняшний день актуальной проблемой медицины в РУз является ранняя диагностика заболеваний, а также снижение их осложнений. В этом плане выполнены широкоплановые программные мероприятия. В результате проведенных широкомасштабных научных исследований, по выявлению патогенеза, внедрению в практическую деятельность методов ранней диагностики и разработке современных методов лечения розацеа и других кожных заболеваний, развитие осложнений от данного заболевания снизилось на 30-34%, а продолжительность жизни увеличилась у мужчин от 67 до 73,5, а у женщин 75,8 лет². В настоящее время, согласно Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, намечается дальнейшее улучшение оказания медицинской помощи населению страны. Первостепенными задачами, ожидающими своего решения, в настоящее время являются – своевременная профилактика и диагностика, оказание высококвалифицированной, качественной медицинской помощи, в том числе и кожных заболеваний за счет расширения применения современных технологий, что позволит повысить качество жизни в различных слоях населения³.

Для повышения эффективности мероприятий по ранней диагностике, лечению и профилактике розацеа в мире также проводится широкий круг научных исследований, направленных на выявление микробиологических особенности эндогенных и экзогенных факторов, у больных, страдающих розацеа, совершенствованию мероприятий по повсеместному скринингу населения; выбору оптимальной тактики для диагностики заболеваний, разработке схемы профилактики с учетом факторов риска заболевания, а также разработке алгоритма лечения для снижения частоты осложнений.

¹ Elewski B.E., Draelos Z., Dréno B. Rosacea – global diversity and optimized outcome: proposed international consensus from the Rosacea International Expert Group // J. Eur. Acad. Dermatol. Venereol. - 2011. – Vol. 25, NI 2 – P.188–200

² Ислом Каримов. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015. 10-бет.

³ Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах

Разрабатывается комплексная схема профилактической работы среди населения, направленная на улучшение качества жизни и профилактику заболеваний, связанных с нарушением обмена веществ.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-1652 от 28 ноября 2011 года «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения», № 3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V «Медицина и фармакология».

